



Ўзбекистон Республикаси
Қурилиш ва
уй-жой коммунал
хўжалиги вазирлиги.

№ 4590-2667-6428-1022-52f5-2950-9738
Хужжат яратилган сана: 2024-12-19
Ариза рақами: 162240667

Хужжат берилган: "IST BATTERFLAY" MAS'ULIYATI
SHEKLANGAN JAMIYAT
СТІР: 200524932

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ
Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси
Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича Архитектура ва шаҳарсозлик кенгаши ишчи
органининг
2024-12-19 даги 162240667 -сонли
ХУЛОСАСИ

т/р	Тақдим этиладиган маълумотлар	
1.	Ариза рақами:	162240667
2.	Мурожаат этувчи Лойиҳа ташкилотининг номи:	"ARX STROY PROJEKT" МСНҲ
3.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг буюртмачиси номи:	"EAST BUTTERFLY" МЧЖ
4.	Объект манзили:	Мирзо Улуғбек тумани, Сайрам МФЙ, Сайрам 7-тор кўчаси, 17-уй
5.	Лойиҳа-смета ҳужжатларининг номланиши:	Mavjud obyektni ko'p qavatli turar joy binolari sifatida ixtisoslashtirib qayta qurish.
6.	Архитектура-режалаштириш топшириғининг реквизитлари:	1726-1726269-58186

Лойиҳани кўриб чиқиш натижаси

т/р	Категория	Нагижа	Изох
1.	Сўровноманинг тўғри тўлдирилганлиги:	Ижобий	
2.	Объект бош режасининг ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
3.	Объектнинг меъморий ечими тўғри топилганлиги:	Ижобий	
4.	Лойиҳада автотураргоҳ масаласи ҳал этилганлиги:	Ижобий	
5.	Қурилиш чизигига амал қилинганлиги:	Ижобий	
6.	Ситуацион планда аниқ кўрсатилганлиги:	Ижобий	

7.	Ёнғин хавфсизлиги ва санитария талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
8.	Лойиҳада имконияти чекланган шахсларнинг манфаатлари ҳисобга олинганлиги:	Ижобий	
9.	Лойиҳада энергиясамарадорлик талабларига амал қилинганлиги:	Ижобий	
10.	Лойиҳа ташкилоти лицензия орқали рухсат берилган соҳа доирасидан ташқари объектнинг лойиҳаси ишлаб чиқилганлиги:	Ижобий	
11.	АРТ талабларидан четга чиқиш:	Ижобий	

Алоқадор ташкилотларнинг хулосалари:

Ҳудудий ёнғинга қарши назорат хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 20 апрель кунидаги 200-сонли “Архитектура ва Қурилиш соҳасида Давлат хизматлари кўрсатишнинг айрим маъмурий регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарорининг “Лойиҳа-смета ҳужжатларини келишиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти”га асосан “my.gov.uz” ЯИДПХ портали орқали келиб тушган 162240667-сонли мурожаатни ўрганиб чиқиш бўйича хулоса “ARX STROY PROJEKT” МЧЖ га 03.12.2024 йил 23/29-2054-сонли Мирзо Улуғбек тумани Фавқулодда вазиятлар бўлими, Мирзо Улуғбек тумани Сайрам кўчаси 17-уй манзилида жойлашган мавжуд база биноларини пасти қаватлари нотурар бўлган кўп қаватли турар жой бинолари сифатида ихтисослаштириб қайта қуриш учун ишлаб чиқилган дастлабки эскиз лойиҳаси хизмат ваколати доирасида ўрганиб чиқилди. Қуйидаги фавқулодда вазиятларни олдини олиш ва ёнғин хавфсизлигини таъминлашга қаратилган тадбирларни амалда бажариш шарти билан қурилиш ишларига қаршилиқ билдирилмайди, яъни - ажратилган ер майдонида лойиҳалаштирилаётган бино баландлиги 28 метргача бўлганда атрофида автомобил йўли четидан бинони деворигача бўлган масофа энг камида 5-8 м қабул қилинсин. Баландлиги 28 метрдан балан бўлган тақдирда 8-10 м қабул қилинсин. Асос: ШНҚ 2.07.01-23 “Шаҳарсозлик”675 банди; - қурилиши мўлжалланаётган бино билан қўшни ҳудудда жойлашган бинолар билан оралиқ масофалари амалдаги ШНҚ 2.07.01-23 (Шаҳарсозлик) меъёрий ҳужжатининг (ёнғин хавфсизлик талаблар), 56-жадвалига асосан амалга оширилсин; - қурилиши режалаштирилаётган бинонинг ёнғин бардошлик даражаси II-дан кам бўлмаган ҳолда амалга оширилсин. Асос: ШНҚ 2.07.01-23 “Шаҳарсозлик” - ёнғин гидратларини автомобил йўли бўйлаб қатнов қисмининг четидан 2.5 метрдан ортиқ бўлмаган масофада, унинг олдида ходимлар ва ёнғин ўчириш автомобиллари қаттиқ қоплама устидан етиб бориши имкони лекин бино деворларигача 5 метрдан яқин бўлмаган масофада назарда тутилиши лозим. Асос: ШНҚ 2.04.02-19 “Сув таъминоти.Ташқи тармоқлар ва иншоотлар” 8.16 банди. - уй ховлисига кириш учун махсус автонарвон ҳаракатланишига бинонинг ташқи деворларидан ўтиш жойининг четига камида 8м, бурилиш радиуси камида 16м масофани таъминлансин. -қулайлиги яхшиланган ва юқори даражали бўлган бинолар муҳофаза сигнализацияси тизими билан жихозланади. Газлаштирилган турар жой биноларининг баландлиги 28 м дан 50 м гача булганда эса барча хоналар манзилли ёнгиндан хабардор қилиш ускуналари билан жихозлансин. Манзилли ёнгиндан хабардор қилиш ускуналаридан огохлантириш сигналлари ёнғин хавфсизлиги пости хонасига ёки ходимлари туну-кун навбатчилик киладиган бошка хонага чиқарилсин. Асос: ШНҚ 2.08.01-19 “Турар-жой бинолари”га 1-сон УЗГАРТИРИШ 9.62 банди. -5 кават ва ундан юқори булган турар жойларда газсимон ёнилгида ишлайдиган таом тайёрлаш плиталари алангани назорат қилиш автоматик ускуналари билан жихозланиши лозим. Газсимон ёнилгида ишлайдиган ускуналар (таом тайёрлаш плиталари, су в иситгичлар ва б.) билан жихозланиши кўзда тутилган хоналарда газ билан таъминловчи қувурларда CO, CO2 ва CH4 концентрацияси

газанализаторли газни ўчирувчи клапан ўрнатилиши назарда тутилсин. Асос: ШНК 2.08.01-19 “Турар-жой бинолари”га 1-сон УЗГАРТИРИШ 9.9 банди. тутунламайдиган зина бўлмалари биринчи қават доирасида бевосита ташқарига чиқиш керак. Н1 типдаги тутунламайдиган зина бўлмасидан ташқарига чиқиш ёндош (туташ) йўлакларни 1-типдаги ёнғинга қарши пардевор билан ажратилган (тўсилган) вестибюль орқали бўлишига йўл қўйилади. Бу ҳолда зина бўлмасини вестибюль билан алоқаси (ўтилиши) бошқа қаватлардаги каби ҳаво зонаси орқали бўлиши мумкин. Ҳаво зонаси проёмини 1-қаватда металл панжара билан тўсишга йўл қўйилади Асос: 5.29-банд, ШНК 2.08.01-19 Турар жой бинолари -қаватидаги квартиралар умумий майдони 500 м2 дан ортиқ секцион-галерияли биноларда чиқиш камида иккита оддий ёки тутунламайдиган зина бўлмаси кўзда тутиллиши керак. 5.24 ва 5.29 бадлар талаблари бажарилганда ва квартира хоналари адресли ёнғиндан хабарловчи датчиклар ёки автомат ўт ўчирувчилар билан жихозланганда битта тутунламайдиган Н1 типдаги зина бўлмасига чиқишга йўл қўйилади. Асос: 5.30-банд, ШНК 2.08.01-19 Турар жой бинолари -28 метрдан баланд бинолар қаватларига ички ёнғин ўчириш кранлари ўрнатилсин. Асос: ШНК 2.08.01-19 “Турар-жой бинолари” 5.32 банди - ажратилган ер майдонида лойиҳалаштирилаётган бино атрофида ёнғин ўчириш ва махсус автомобиллар ҳаракатланиши учун энг 6 метрдан кам бўлмаган қаттиқ қопламали йул қолдирилсин. Асос: ШНК 2.07.01-23 “Шаҳарсозлик” 667 банди Лойиҳаланаётган бинонинг қаватлар қирқими тақдим қилинмади. - бино ташқи деворларини К0 ёнғин синфига оид ёнмайдиган материаллардан ишлансин. -умумий йўлакларга олиб чиқувчи зина катаклари эшиклари, лифт холлари эшиклари, доимий ҳаво босими бўлган шлюз-тамбур эшиклари ўз ўзидан ёпилиши учун мосламалар ва зичлагичларга эга бўлиши лозим, ёнғин вақтида ҳаво босими бўлган тамбур-шлюз эшиклари ва мажбурий тутунга қарши ҳимояли хоналар эшиклари, эса уларни ўт тушган вақтда ёпилиши учун автоматикага эга бўлиши керак. Асос: ШНК 2.01.02-04 5.18 банди -бинода ёнғин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида қуйидагилар амалга оширилсин. (бино қаватлари ёнғиндан автоматик равишда сезиш ва хабарлаш мосламалари, овозли хабарлаш воситалари билан жихозлаш, ички ёнғин ўчириш жўмраклари, тутун тортиш тизимлари билан жихозлаш) Юқорида кўрсатилган тадбирлардан бири бажарилмаган тақдирда ушбу ҳулоса ўз кучини йўқотган ҳисобланади. Бўлим бошлиғи Ф.М.Джўраев Ижрочи: Б.Абдижабборов;

Ҳудудий санитария-эпидемиология хизмати: Келишилган;

Қўшимча маълумотлар: Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 0350-17 сонли "САНИТАРНЫЕ НОРМЫ И ПРАВИЛА ПО ОХРАНЕ АТМОСФЕРНОГО ВОЗДУХА НАСЕЛЕННЫХ МЕСТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН" санитария қоида ва меъёр талаблари 6-банди ижросини таъминлаган ҳолда яъни қурилаётган бино атрофидаги бинолардан оралиқ масофани сақлаб ҳамда Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 0331-16 сонли "Санитарный правила и нормы проектирования устройство, содержания жилых домов в климатических условиях Узбекистана" санитария ыоида ва меъёр талаблари ҳамда Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг 0329-16 сонли санитария қоида ва меъёр талаблари бўйича ободонлаштириш ишларини ташкил этиш шарти билан қурилишига эътироз билдирмайди.;

Ҳулосани тасдиқлаган ходим: O`zbekiston Respublikasi Qurilish Vazirligi;



Маълумотлар:

1. Хўсас берувчиларнинг хўсасида кўрсатилган талабларни бажариш, муҳандислик тармоғидан хўсас масофаси сақлаш ёки ўз хўсасидан кўчириш, дархастларни сақлаб қолиш шарти билан, юридик ҳужжатга эга тегишли ер майдони қисмида лойиҳа ишларини давом эттириш.

2. Лойиҳалаш жараёнида АРТга кўрсатилган талабларни бажариш талаби белгиланди.

Қўйидаги талаблар: Лойиҳада келиниб берилган барча бино ва ишхоналарда тўғри ёритиш тизимини ўрнатиш талаби белгиланган ва ушбу талаб лойиҳада кўрсатиб ўтилган.

Кенгаш аъзолари томонидан юқорида кўриб чиқилган лойиҳалар юзасидан ШНҚ асосида ҳар бир берилган талаб ва шартлар тегишлилиги бўйича назоратга олини ва ушбу ишлар амалга оширилмагунча қадар Тошкент шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўсасини соҳасида назорат қилиш инспекцияси бино фойдаланишга қабул қилинмаслиги назоратга олинган.

“Хўсасий электр тармоқлари” АЖнинг Тошкент шаҳар филиали, “Hudud gaz royxati” газ таъминоти филиали, Тошкент шаҳар “Сув таъминоти” МЧЖ директорлари ҳар лойиҳани аниқ ҳисоб китобларга таянган ҳолда юқумалар яратиш шартларини аниқ белгилаб берсин. Белгиланган меъёрлардан ошмиш юқумаларда ишлаётган хўсасларда коммуникация тармоқларига уланнишга йўл қўймасин.

Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигининг Тошкент шаҳар бошқармаси ҳар бир хўсасий ўганиб, юқоридаги ҳар бир лойиҳалар учун иқлим шароитига мос бўлган айланаси 18 см.дан, баландлиги 3 метрдан кам бўлмаган дархастлар, 6 литрдан кам бўлмаган буталар эквилини назорат қилисин. Лойиҳалаш жараёнида атроф муҳитга таъсир кўрсатилиши тўғрисидаги баёнот лойиҳаси (ЗВОС) олини шарти белгиланган.

Лойиҳада муҳандислик тармоқларининг юқумалари иноватга олган ҳолда техник шартлар олини ва ушбу техник шартлар талабларини бажариш ҳамда уларга туташ хўсасларининг қўсаламзорлаштириш (дархастлар, буталар, бошқа ўсумликлар ва навиҳолларини экни) майдонларини лойиҳа учун ажратиланган ер участкалари умумий майдонинг 25 фоиздан кам бўлишига йўл қўйилмаслиқ талаби белгиланган.

Лойиҳа ташкилотлари томонидан лойиҳалантирилаётган биноларда углеводородлар ва электр энергияси истеъмоллини камайтириш мақсадида, энергия тежамкор қурилиш материалларидан фойдаланиш, иссиқ сув таъминоти, ёритиш ва бивалент иситиш тизими учун фотоэлектрик тизимлар, геотермал коллекторлар ва иссиқлик насосларини ўрнатиш, муҳандислик тармоқларини ҳам иноватга олинисин.

Лойиҳаларини кўриб чиқиш натижаси бўйича мутасадди бошқармалар ўз йўналиши бўйича маъсул эканлиги белгилаб қўйилсин.

Мазкур хўсасда лойиҳа асосида қурилиш ишларини олиб бориш учун ён қўсиналарини розилигини олини тавсия этилади.

Ушбу хўсасда қурилиш ишларини бошлашга асос бўлмаслигини, шунингдек, хўсас талаблари бажарилмаган тақдирда ҳамда тегишли ер майдонини чегарасидан чиқиб кетган ҳолда лойиҳалаш ишлари олиб бориш тақдирда қонунчиликда белгиланган тартибда хўсасни бекор қилинишига сабаб бўлиши мумкинлигини ва бундай ҳолатда жавобгарлик лойиҳа ташкилоти зиммасига юқлатилишини маълум қилами.

Мазкур ҳужжат Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 15 сентябрдаги 728-сон қарорига мувофиқ Ягона интерактив давлат хизматлари порталида шакллантирилган электрон ҳужжатнинг нусхаси бўлиб, давлат органлари томонидан ушбу ҳужжатни қабул қилишни рад этишлари қатъиян тақиқланади. Ҳужжат ҳақиқийлигини hero.gov.uz веб-сайтида ҳужжатнинг ноёб рақамини қиритиб ёки мобил телефон ёрдамида QR- кодни сканер қилиш орқали текшириш мумкин.

8715

